

## БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИДА ОИЛАДАГИ ЭМОЦИОНАЛ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Абдурахмонов Фирдавс Козимович*

**Аннотация:** Бола шахсининг шаклланиши – бу муҳим жараён ҳисобланади. Маълумки, ҳаёт давомида инсон жисмоний ва руҳий жиҳатдан ўзгариб боради. Лекин болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Бола мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ўсиши, ўзгариши туфайли шахс сифатида камолга етади. Оиладаги эмоционал муносабатлар, тарбия, насл ва муҳит боланинг ривожланишида асосий ўрин тутуди. Агар ана шу омиллар болага ижобий таъсир қилса, у келажакда баркамол инсон бўлиши ва салбий томондан таъсир қилса, носоғлом кимсага айланиши мумкин.

**Калит сўзлар:** концепция, индивид, ривожланиш, ижтимоий гуруҳ, оила, тамойил, хулқ-атвор, гиперпротекция.

Инсон онтогенетик ривожланиши жараёнида шахсининг шаклланишини ўрганар эканмиз, мактабгача бўлган даврнинг якунига келиб, болада ўзининг ижтимоий “Мен”ини англаш жараёнининг пайдо бўлишини алоҳида таъкидлаш ҳамда ўзини билиб олишдан ўзини-ўзи англашга ўтиш механизмларини ўрганиш заруратини алоҳида эсга олиш муҳим. Янгиликларнинг вужудга келиш кетма-кетлигини “Мен” эмоционал-рационал тизими; сўнгра бирламчи ўзини баҳолаш ва катталар талабига мос келишга интилиш (бу ерда рационал таркибий қисм умуман йўқ) каби тарзда тартибланиш мақсадга мувофиқ. Б.Г. Ананьев [1] шахсининг ирсий ва таркибий алоқалари ҳақида гапирар экан, шахс ибтидоси – бу индивид эрта ижтимоийлашувининг жуда узоқ ва кўп босқичли жараёнлигини ва бу мактабгача бўлган ёшда энг тез кечишини таъкидлаб ўтган. А.Н. Леонтьев мактабгача бўлган ёшни “шахсининг илк, амалда ижтимоий шаклланиши” даври сифатида қараган. Л.С. Выготский [2] онтогенез ривожланиш давомида бола онгининг тизимли таркиби ўзгариши ва мактабгача бўлган ёшда бола шахсининг муҳим психологик хусусияти – этика қоидаларига риоя қилиш қобилияти ҳақида ёзган. Бу каби фикрлар Д.Б. Элькониннинг бола шахсининг ички этика қоидалари шаклланишига оид китобларида ҳам мавжуд.

Т.В. Гуськова, Н.Н. Авдеева ва бошқалар мактабгача бўлган илк ёшдан мактабгача катта ёшга ўтиш даврида шахс билан боғлиқ янгиликларни тадқиқ этар экан, хулқ-атвор корреляти билан ўз ютуқлари учун мағрурлик симптомокомплексини тавсифлайди. Е.О. Смирнова ва бошқалар бола ўзини-ўзи англашининг ривожланишини ўзига-ўзи ва бошқаларга муносабати тарзида

ифодалайди. Ва ниҳоят, ушбу мавзуга тааллуқли охириги экспериментал ишларда В.А. Петровский ва О.В. Прозументик жинсий ўзини-ўзи англашнинг шаклланишини тадқиқ этиш доирасида мактабгача бўлган ёшдаги болаларда икки жинсни бир-бирига қарши қўйиш ва қарши туриш стереотипларини ўзини-ўзи англаш орқали идрок этиш сифатида кўриб чиқадиладар. А.Д. Кошелева ва О.В. Лобза мактабгача ёшдаги боланинг ҳиссий дунёқараши шаклланишида катталарнинг ролини таҳлил қилар экан, боланинг ўзини-ўзи англашида эмоционал-шахсий ва жисмоний носоғломлиги, ўзини паст баҳолашнинг шаклланиши, боланинг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжи фрустрациясига жавобан инфантилизацияга қадар “катта бўлишнинг маъно жиҳатлари нотўғри акс этиши” ҳақида ёзишган. В.А. Петровский ва М.В. Ломов илгари сурган ва исботлашга уринган тахминга кўра, ўзини-ўзи англашнинг ривожланиши, шахс ўзини-ўзи англашининг унсурлари ўртасида ўрнатилувчи муносабатлар воситасида ифодаланади.

Шундай қилиб, кўп сонли маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижасида биз Л.С. Выготский, А.Н. Леонтьев ва Д.Б. Эльконин ва уларнинг издошлари изланишлари бўйича психика ривожланишининг муҳим хусусиятлари ва уларнинг даврийлашув мезонлари сифатида ёш билан боғлиқ ўзгаришларга таянган ҳолда, бола шахси онтогенезининг турли босқичларида “Мен” концепцияси таркибий қисмларидан бири унинг ўзини англаш маҳсули сифатида етакчига айланади, деб ҳисоблаймиз. “Мен” концепциясининг айнан мазкур ёш босқичида етакчига айланган марказий унсури бошқа барча таркибий элементларни янги маъно ва мазмун билан бойитган ҳолда бирлаштирувчи ҳамда бир тизимга келтирувчи таркибий қисм ҳисобланади. Худди шу даврда болада ўзини англашининг янги, табиатига кўра бирлаштирувчи бўлган йўналишлари ҳам пайдо бўлиб, улар мактабгача бўлган катта ёшда жинсий-гендер роль бўйича (жинс+ижтимоий нормалар) ва жинс-ёш бўйича (жинс+ёш) йўналишлар сифатида белгиланиши мумкин.

Ижтимоий тасаввурлар концепциясидан (В.М. Каримова, Ў.Б. Шамсиев ва бошқалар [3], [4]) келиб чиқадиган бўлсак, шахс ижтимоий тасаввурлари тизимида боланинг ўзи ва ўз фазилатлари тўғрисидаги тасаввурлари, энг аввало, жамиятда тутажак ўрни ва мақомини белгиловчи муҳим механизмки, унинг мазмуни шахснинг нафақат ўзига, балки ўзга шахсларга бўладиган ижтимоий муносабатлари ва ижтимоий хулқининг асоси ҳисобланади. Бунда қандай ижтимоий омиллар ва гуруҳларнинг етакчи роль ўйнаши илм-фан нуқтаи назаридан муҳим бўлиб, тадқиқотимиз айнан шу ғояни эмпирик жиҳатдан асослашга бағишланади.

Кўплаб психологик тадқиқотларда оила бола шахсининг шаклланиши ва унинг ижтимоийлашувига таъсир кўрсатувчи омил сифатида баҳоланади. Лекин

боланинг ўзи тўғрисидаги барча тасаввурлари шаклланишида у тарбияланаётган оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари, оила типлари ва ота-оналик мақомлари улар томонидан қай даражада англанишининг бевосита роли бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Демак, кенг информациялар орасидан боланинг ўз “Мени”ни тўғри шакллантирадиган ва шу орқали уни ижтимоий психологик муносабатларга руҳан тайёрлайдиган маълумотларнинг манбаи ва таъсир кучини ўрганиш ёш ота-оналар ва оилашунослар учун ўта долзарб аҳамият касб этади.


Ҳозирги вақтда жаҳон психологик илмида ҳам бола хулқ-атвори ва руҳиятининг шаклланишида оила ва ота-она муҳим рол ўйнайди, деган ёндашув етакчилик қилади. Бироқ ҳозирги кенг кросс-маданий муносабатлар ҳамда ота-она – бола муносабатларидаги танқислик бола шахси шаклланишига таъсир қилувчи омилларнинг янги босқичи шаклланаётганлигидан дарак беради. Бошқа томондан, боланинг ривожланаётган шахс сифатидаги фаоллиги ҳам оиладаги ўзаро муносабатлар хусусиятини белгилаб беради. Оилада бола шахси ривожланишининг асосий йўналишларидан бири бу ундаги “Мен” концепциясининг шаклланиши бўлиб, бир қарашда бу соф когнитив ҳолат бўлса-да, унинг манбаси ва шакллантирувчи омиллар оила муҳити ва ундаги ўзаро муносабатларнинг характерига бевосита боғлиқдир.

У. Бронфенбреннер [134] ёш ва педагогик психология соҳасидаги кўп сонли тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарар экан, шахс ривожланишида оиланинг аҳамиятини энг асосийси деб ҳисоблайди. “Ривожланиш” – интеллектуал, эмоционал, ижтимоий ва ахлоқий ривожланиш учун боланинг мураккаблашиб борувчи, доимий равишда ва ҳаётнинг катта қисми давомида амалга оширилувчи ўзаро алоқаларда иштирок этиши зарурлиги, ота-она ва бола ўртасидаги “кучли ҳиссий-эмоционал алоқа” ҳақида гапирди. В. Сатир [89], *функционал ва дисфункционал* оилаларни ажратиб кўрсатар экан, оиладаги ички ўзаро алоқаларнинг айрим жиҳатлари ҳақида ёзади. Бунда уч киши ўртасидаги муносабатлар эмас, балки учинчи киши кузатувчи ролини ўйновчи “икки томонлама ўзаро муносабатлар тўплами”га эътибор қаратилади.

Ҳуман, оила бирламчи кичик ижтимоий гуруҳ ролини бажарувчи тизим сифатида намоён бўлар экан, баъзида уни жамиятдан ажратиб турувчи айрим “*ташқи чегара*”сига ҳамда (Э.Г. Эйдемиллер) [122], оила куйи тизимларининг ҳар бири бошқа куйи тизимлардан мустақиллик ва эркинлик даражасига эга бўлади. Бизнинг вазифамиз эса эр-хотин, бола, ота-она ва ота-она – бола куйи тизимлари хусусиятларини умумий оилавий вазият нуктаи назаридан кўриб чиқиб, Бола шахси шаклланишида оиладаги эмоционал муносабатларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини тадқиқ этиш ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилган муаллифлар қарашларини умумлаштириб, биз оилани етарли

даражада эркин ва мустақил қуйи тизимлар – барқарор ўзаро муносабатлар билан боғланган ота-она, бола, ота-она – бола, аёл, эркак ва эр-хотин тизимидан таркиб топган тўлақонли яхлит тизим сифатида кўриб чиқамиз. Бу ўзаро алоқалар пировардида яхлит оилавий муносабатлар тизими ва ундаги алоқалар ривожини белгилаб беради. Ҳар бир муайян вазиятда эса уларнинг мазмуни оиладаги ўзаро муносабатлар хусусиятларини акс эттиради. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда оила тизими, ундаги ўзаро муносабатлар характери ва йўналишини акс эттирувчи схемани тақдим этамиз.

Психологик адабиётларда ота-она муносабатлари феноменологияси, тарбия ва хулқ-атвор услублари, ота-она ҳамда болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларда боланинг ўзига хос бўлган хусусиятлари, шунингдек, унинг шахсий тизими унсурлари шаклланишига таъсири тасвирланади. Ҳозирги кунгача ота-она муносабатлари, тарбия ва ўзаро алоқа стиллари ёки турларининг ягона



таснифлаш тизими яратилмаган, ваҳоланки, бу муаммолар етарлича ўрганиб чиқилган. Бундан ташқари, ягона бир атама ҳам ўйлаб топилмаган – масалан, “стиль” тушунчаси (тарбия ёки ота-она стили) “мавқе” ҳамда “кўрсатма” тушунчаларига синоним сифатида қўлланади ва тарбия йўналиши ёки хулқ-атвор шакллари сифатида тушунилади (Ў.Б. Шамсиев). Турли хил таснифларда асос сифатида ҳам когнитив, ҳам аффектив хулқ-атвор ва фаолият хусусиятлари, хусусан, бола ҳақидаги тасаввур, мулоқотнинг эмоционал таркибий қисмлари, болага мурожаат, ота-онанинг болага муносабати ва ўзаро алоқа усуллари хизмат қилади. Шунини қайд этиш мумкинки, ота-она муносабатлари феноменологияси соҳасида ғарб мамлакатлари психологларининг мумтоз асарлари билан бир қаторда охириги пайтларда илмий асослар негизда яратилган.

Феноменологик ёндашувлардан фойдаланувчи хорижий муаллифлар томонидан “Мен” концепциясининг шаклланиши инсоннинг атрофдагилар томонидан қабул қилиниши муҳим эканлиги асосланади ва бунда бошқалар билан ўрнатиладиган қайта алоқанинг аҳамияти катта бўлади. Онтогенезнинг бошидаёқ бола катта ёшдаги яқин кишилар билан ўзаро муносабатларга киришар экан, бу муносабатлар тизимида ота ва она сезиларли мавқега эга бўлгани

сабабли ҳам “Мен” концепциясининг шаклланиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

В.М. Каримова, Ў.Б. Шамсиевлар оилада ота-она хулқ-атвори ва боланинг бу хатти-ҳаракатларни идрок қилиши ва ота-онага муносабатининг 5 та асосий кўринишларини таҳлил қилган [43].

- Ота-она ва бола муносабатлари **демократик** тамойилларда амалга ошадиган оилада болада ўзи ва ота-онаси тўғрисида қуйидагича тасаввур шаклланади: “Мени севишади ва мен керакман, шунинг учун мен ҳам уларни жуда севаман”. Бундай бола психологияси ва характерида устувор фазилатлар сифатида адекват ўзини-ўзи баҳолаш ва инсонларга ишонч, ҳар қандай яхши нарсалардан, жумладан, ота-она билан яқин, самимий муносабатлар – қувониш, ўзига ишонч, хатоликлардан чўчимаслик, айб иш қилиб қўйганда ҳам унчалик қайғурмаслик, заруратга қараб илтимослар қилиш ва бунда реал кўмак олишга умидворлик, ота-онанинг ҳаётдаги ўрни ва ишончлари, умид ва истаклари билан ҳисоблашиш кабиларни санаш мумкин.

- Оилада болага нисбатан ҳаддан зиёд меҳрибонлик (**гиперпротекция**), эътибор кўрсатилса болада “Мени севишади ва мен керакман, улар мени деб яшашади”, – деган тасаввур мавжуд бўлади. Бундай оилада болалар ўзининг борлигидан, туғилганлигидан мағрурланиб яшайди ва шунинг учун ҳар қандай тилак ва хоҳиш амалга ошишига ишонади. Одатда бундай боланинг туғилишини ота-она узок вақт кутган бўлади ва буни улар ҳадеб болага эслатаверади, шунинг учун ҳам бола жуда эгоист бўлиб улғаяди, ота-онасининг ночорлиги тўғрисидаги тасаввур ўзининг кўп нарсаларга қодирлиги билан уйғунлашади. Танतिक болада ўзи тўғрисида гўёки ўта иқтидорли эканлиги фикри устувор бўлади, чунки ота-она унинг айрим аҳамиятсиз ютуқларини ҳам осмонга кўтаради.

- Юқоридаги ҳолатнинг акси, яъни болага нисбатан эътиборсизлик, меҳрсизлик бўлган оилада боланинг тасаввури қуйидагича бўлади: “Мени ёқтиришмайди, лекин мен ўзим ҳаракат қилиб, уларга яқинлашим керак”. “Мен яхши бола эмасман”, деган тасаввур одатда болада қатор жиддий салбий сифатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Масалан, ўзига бўлган баҳонинг пастлиги, ўзини айбдор деб ҳисоблашнинг юқорилиги, кўп нарсалардан ҳадиксираш, айб иш қилиб қўйишдан чўчиш, кайфиятнинг беқарорлиги ва шунга ўхшаш. Бундай оилада маънавий муҳит яхши бўлмаганлиги сабабли бола салга йиғлайдиган, “қўрққан олдин мушт кўтаради”, деганларидай, ҳар бир яхши ёки ёмон ишни қилиб қўйиб, ўзини оқлашга интилиш психологияси пайдо бўлади. Аслида бола ўзининг кутилмаган эканлигини, ота-оналари уни вазият тақозоси, тасодиф туфайли дунёга келтиришганлигини яхши билади. Чунки бу ҳақда ота-оналар унинг олдида гапираверадилар.

- Ота-она меҳрига тўймаган, унга эришолмаган бола салбий ҳиссий

кечинмаларнинг кейинги босқичига ўтади: “Сизлар мени хафа қияпсизлар, мен ҳам шунга муносиб жавоб бераман”. Бундай шароитда бола атайлаб, ота-онасига ёқмайдиган қилиқлар қилади, айтганларининг тескарисини бажаради, тобора ота-она учун ҳам у билан бўладиган мулоқотлар оғир ботадиган бўлиб боради. Қасоскор бола кўпинча ота-она талабларининг тескарисини қилиб, уларнинг асабига тегадиган, бошқариб бўлмайдиган қайсар ва кўпинча жинойт йўлига ҳам кириб кетадиган инсонга айланади.

- Баъзан ота-она меҳрсизлигидан азият чеккан бола курашиб чарчайди: “Мени севишмайди, керак эмасман, мени тинч қўйинглар” деган маънода бола ўз ночорлигини ифодалай бошлайди. Бундай оиладаги вазият жуда оғир бўлиб, бола ўзини ёлғизликка маҳкум этади, ҳаммадан қочади, ўсмирлар ўртасида содир бўладиган суицид ҳолатларининг аксарияти ана шу психологик вазиятдан келиб чиқади.

Демак, юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, ота ва она фарзанд тарбиясида қайси тарбия ва таъсир усулини қўлламасин, барчаси боланинг ўзи тўғрисидаги тасаввурларида бевосита акс этади. Ҳақиқат фикрни тасдиқловчи тадқиқотлар кўп бўлишига қарамай, айнан нуклеар оилалар мисолида ушбу фикрларни эмпирик жиҳатдан исбот қилувчи ишлар кўп эмас.

Шундай қилиб, “Мен” концепцияси боланинг ўзига бўлган когнитив баҳоси ҳамда ўз фазилатлари тўғрисидаги тасаввурлар асносида шаклланади ва унинг учта таркибий элементлари – когнитив (ўзи ҳақидаги билим), аффектив (ўзига муносабат) ва улардан келиб чиқувчи ҳулқ-атвор билан боғлиқ психологик компонентларни ўз ичига олувчи тизим экан.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания. -М.; ин-т практ. Психологии, 1977. – 380 с.
2. Выготский Л.С. Лекции по психологии. -СПб.: Питер, 1999. – 478 с.
3. Каримова В. Муроса қилиш одоби. – Т.: Fan va tehnologiyalar, 2008. – 64 б.
4. Шамсиев Ў.Б. Бола ижтимоий ҳимояси оила зиммасида. //Мақтаб ва ҳаёт – Тошкент, 2007 – 5-6 сон – Б. 15-16.
5. Шамсиев Ў.Б. оилавий ҳолдинг – бола ижтимоийлашувининг психологик механизми авто. Реф. Психол.ф.д. – Тошкент, 2020 – б. 33.